

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

ЎЗБЕКИСТОН – МИЛЛИЙ УЙИМИЗ

Reymova Gulzira

Qaraqalpoq Davlat Universiteti Biologiya fakulteti tyutori

АННОТАЦИЯ

«Ўзбекистон – миллий уйимиз!» шиори остида ўтган тадбирда туманда истиқомат қилаётган ўнлаб миллат вакиллари иштирок этдилар. Тадбир қатнашчиларининг, гарчи миллати, тили, эътиқоди турлича бўлсада, мақсади ягона эканлиги уларнинг ҳар бир чиқишида, куй-қўшиқларида ўз ифодасини топди. Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда олиб борилган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояси акс этган.

Калит сўзлар: миллатпарварлик, миллатчилик, этник гуруҳлар, кучли фуқаролик жамияти, миллий тотувлик, миллий маданий марказлар, диний бағрикенглик, умуминсоний қадриятлар, ирқчилик.

UZBEKISTAN - OUR NATIONAL HOME

ANNOTATION

"Uzbekistan is our national home!" representatives of dozens of nationalities living in the district took part in the event held under the slogan Although the participants of the event have different nationalities, languages, beliefs, their goal is the same, it was expressed in each of their performances and songs. This article reflects the idea of interethnic harmony and religious tolerance in Uzbekistan during the years of independence.

Key words: nationalism, nationalism, ethnic groups, strong civil society, national harmony, national cultural centers, religious tolerance, universal values, racism.

ЎЗБЕКИСТАН – НАШ НАЦИОНАЛЬНЫЙ ДОМ

АННОТАЦИЯ

«Ўзбекистан – наш национальный дом!» В мероприятии, проведённом под лозунгом, приняли участие представители десятков национальностей,

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

проживающих в районе Хотя участники мероприятия имеют разные национальности, языки, убеждения, цель у них одна, она выразилась в каждом их выступлении и песне. В данной статье отражены идеи межнационального согласия и религиозной толерантности в Узбекистане в годы независимости.

Ключевые слова: национализм, национализм, этнические группы, сильное гражданское общество, национальное согласие, национально-культурные центры, религиозная толерантность, общечеловеческие ценности, расизм.

КИРИШ

Маълумки, миллатпарварлик – инсоният тараққийетида миллатларнинг ўрни ва аҳамиятини тўғри тушуниш, Ер юзининг ҳар бир бурчагида мавжуд миллатларни тили, турмуш тарзи, ирқи, ташқи қиёфаси, урф-одатлари, дини, маданиятининг ўзига хос томонларидан қатъи назар, ҳурмат қилиш, уларнинг озодлиги, тенглиги, гуллаб-яшнаши учун шарт-шароитлар яратиб бериш тарафдори бўлиш. Миллатпарварлик ҳар бир кишидан миллатлар ва миллий муносабатлар соҳасида чуқур билимли бўлишни, миллатлар инсоният тарихида, унинг моддий ва маънавий маданиятининг шаклланишида, ҳозирги замон цивилизациясининг ривожланишида жиддий мавқега эга эканлигини билишни тақозо этади. Миллатпарварлик барча миллатларга баробар ҳурмат билан қараш, демакдир. Ўз миллатини бошқа миллатлардан афзал кўриб, унга имтиёзлар беришни талаб қилиш ёки аксинча, ўз миллатига, унинг тили ва маданиятига бефарқ қараш миллатпарварлик қоидаларига зиддир. Шу билан бирга, миллатпарварлик барча миллатларни, уларнинг фарқ ва тафовутларини ҳисобга олмай туриб тенглаштиришни инкор этади. Ҳар бир миллатга бўлган муносабат шу миллатнинг истиқомат қилиб турган муайян шароитлари, тарихи, унинг шу асосда бошқа миллатлар билан ўзаро муносабатларига боғлиқ. Миллатлар ҳам инсонлардек хилма-хил ва турли-туман бўлганлиги боис, миллий муносабатларда, ҳар бир миллатга нисбатан сиёсат ўтказишда ниҳоятда эҳтиёткорлик, муомала маданияти ва эътиборчанлик талаб қилинади. Ҳар бир инсоннинг миллатпарварлиги авваламбор унинг ўз миллатига, унинг тилига, маданиятига, анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумларига бўлган муносабатида намоён бўлади. Мустақил Ўзбекистоннинг юксалиши, ўзбек миллати гуллаб-яшнашининг тарафдори бўлган ҳар бир

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

инсон миллатпарварлик қоидаларига содиқ бўлиши керак. Чунки, давлатимизнинг келажаги, биринчи навбатда, ўзбек миллатининг уюшқоқлиги, ғурури, тадбиркорлиги ҳамда миллий ҳудудимизда истиқомат қилиб турган ҳар бир кишининг, миллати, дини, тили ва эътиқодидан қатъи назар, кўнглини ола билиш, уни умуммиллий мафкурамиз атрофида бирлаштиришга, жипслаштиришга боғлиқ.[1:67]

Миллатлараро тотувлик ғояси сайёрамизда яшаётган 1600 дан зиёд этник гуруҳларнинг тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик асосида тинч-тотув яшаш ғоясидир. Миллатлараро тотувлик ғояси миллатпарварлик ғоясидир. У барча миллат ва элатларни тили, урф-одати, анъаналари, байрамлари ривожланишини талаб этади. Миллатчилиқ, фашизм, миллий ва этник кўринишдаги урушларга қарши турадиган ягона маърифий ғоядир. Айниқса, бугун неофашизм бош кўтараётган цивилизациялараро тўқнашувлар содир бўлаётган шароитда миллатлараро тотувлик ғояси долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ғояси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига сингдирилган. Жумладан, бош қомусимизнинг 8- моддасида «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деган муҳим қоида белгиланб қўйилган. Бугун Ўзбекистонда 138 та миллий маданий марказлар (Чингиз Айтматов ибораси билан айтганда кичик БМТлар) миллатлараро тотувлик ғоясини ҳаётга татбиқ этмоқда. Ўзбекистон – кўп миллатли давлат. Уни мустаҳкамлайдиган куч, шак-шубҳасиз, миллатлараро тотувликдир. Ўзбекистон Республикаси миллий этник жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эга. Айни вақтда Ўзбекистон ҳудудида ўз маданияти ва ўз анъаналарига эга бўлган 130 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Улар ҳам мамлакатнинг барча фуқаролари қатори бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади. Ўзбекистоннинг миллий-маданий ранг-баранглиги миллий ўзликни англашнинг ўсиши ва маънавий жиҳатдан қайта уйғониш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, жамиятнинг янгилиниши, унинг очиклигининг қудратли омили бўлиб хизмат қилади ҳамда республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

учун кулай шарт-шароитлар яратади. Кўпмиллатли мамлакат сиёсатининг асосий мақсади миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни шакллантириш бўлиши зарур. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ миллий сиёсатнинг ўзига хос йўли ишлаб чиқилдики, айти шу сиёсат миллий бағрикенгликнинг барқарор ривожланишига замин яратди. Ўзбекистонда шаклланган бундай миллий бағрикенгликдан кенг дунё жамоатчилиги ўрناق олишга интилаётгани ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси миллий (этник) сиёсатининг асосий тамойиллари куйидагилар:

Миллатлар ва этник гуруҳлар ўзаро муносабатларида уйғунлик сиёсий барқарорлик омили сифатида ривожланиши учун шароит яратиш. Сиёсат ва сиёсий жараёнларда миллий, этник гуруҳ манфаатларининг акс этишини таъминлаш. Миллий ўзликни англаш жамиятни демократлаштиришга ундовчи куч эканлигини тан олиш. Сиёсатда бирон-бир миллий хусусиятларни инкор этишга йўл қўймаслик. «Миллатчилик»нинг сиёсий тусга киришини олдини олиш ва унга барҳам бериш. Миллий тотувлик ва фуқаролик жамиятининг ривожланишининг уйғунлиги. Давлат этник сиёсатида шахс ҳуқуқларининг устуворлиги. Миллатлар ва этник гуруҳлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч, тотувликни қарор топтириш, демократик, кучли фуқаролик жамият қуриш ва сиёсий барқарорлик омилини сақлаш.[2:38]

Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакилларининг маданий эҳтиёжларини қондириш учун миллий маданий марказлари фаолият юритади. Дастлабки миллий маданий марказлар корейслар, қозоқлар, яҳудийлар, арманлар томонидан республика вилоятларида 1989 йилда ташкил этилган. Бу марказларнинг чинакам ривожланиши ва равнақ топиши Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин бошланди. Бу даврда уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун кенг имкониятлар яратилди. Натижада уларнинг сони йил сайин ортиб борди. Агар 1992 йилда 10 та миллий маданий марказ иш олиб борган бўлса, 1995 йилда уларнинг сони 72 тага, 2003 йилда 135 тага етди. Ҳозирга келиб эса, мамлакатда 138 та миллий маданий марказлар фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикасида яшовчи турли миллат вакилларини республика ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш миллий маданий марказлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Шунингдек, хорижий мамлакатлардаги

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

турдош ташкилотлар ҳамда тарихий ватанлари билан дўстлик, ҳамкорлик, маданий-маърифий алоқалар ўрнатиш ва ҳамдўстлик алоқаларини ривожлантириш, Республика байналмилал маданият маркази, турли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ижодий уюшмалар билан ҳамкорликда мамлакатда фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш марказнинг асосий вазифаларидир.[3;87]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги Қарори билан ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази эса ушбу миллий маданият марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Конституциянинг 34-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. 58-моддада кўрсатилишича, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг имкониятлар яратиб беради. Ушбу қоидалар миллий маданий марказлар ташкил топишининг, улар фаолияти ва ривожланишининг ҳуқуқий асосидир. Миллий маданий марказларлар этномаданий эҳтиёжларни қондиришга, миллий кадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга ҳамда мамлакатда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Улар ўз миллий маданиятларини ривожлантириш билан бирга бир-бирлари билан яқин ҳамкорлик қилиб, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат вакиллари орасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончни мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Миллий маданий марказлар ва улар ишини мувофиқлаштирувчи Республика байналмилал маданият маркази фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири – ёшлар ҳақида ғамхўрлик, мамлакатимиз келажаги бўлган баркамол авлодни шакллантиришга ҳисса қўшишдан иборат.

Ўтган йиллар мобайнида Республика байналмилал маданият маркази томонидан 30 дан зиёд илмий рисола ва тўпламлар, шунингдек, миллатлараро тотувлик ва истиқлол йилларидаги ютуқларни акс эттирувчи «Ўзбекистон – миллий уйимиз» альбом китоби, «Ўзбекистон – бағрикенг диёр», «Ўзбекистон Конституцияси – буюк келажагимиз кафолати», «Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини» каби мақолалар тўпламлари чоп этилди.

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

Бугунги кунда Республика байналмилал маданият маркази мамлакатда яшаётган турли миллат вакилларининг маънавий-маърифий мулоқот масканига, ўзига хос дўстлик уйига айланган. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар, барча миллат ардоғидаги ижодкорлар билан учрашувлар, семинарлар ва конференциялар ўтказиб келинади. Бугун республикадаги барча олий ўқув юртларида турли миллатга мансуб талабалар таҳсил олади. Дунёнинг камдан кам мамлакатларида кузатиладиган яна бир ҳолат шуки, Ўзбекистонда таълим 7 тилда олиб борилади. Булар сирасига ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари рус, қozoқ, туркман, тожик ва қирғиз тилларини киритиш мумкин. Яна бир диққатга молик жиҳат – Республикадаги оммавий ахборот нашрлари ҳам турли тилларда чоп этилади, қардош халқлар тилида радио ва телекўрсатувлар тайёрланаётгани Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тарихдан маълумки, ўзбек халқи бошидан кечирган оғир қатағон йиллари ва иккинчи жаҳон уруши йиллари кўп ситамларга юзма-юз бўлган корейслар, немислар, турклар, поляклар, греклар, қрим-татар ва бошқа миллат вакиллари Ўзбекистонни Ватан тутдилар. Уларнинг ҳозирги авлодлари учун эса Ўзбекистон она Ватанга айланди. Чунки, улар шу ерда туғилиб, камолга етдилар, ҳаётда ўз ўринларини топдилар. Ўзбекистонда миллати, дини, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончи, бугунги кундаги ҳаёти ва тақдирдан мамнунлиги уларнинг миллий ғоя атрофида мустаҳкам бирлашиб, яъни бир ёқадан бош чиқариб, «Ўзбекистон – умумий уйимиз», «Шу азиз Ватан барчамизники», «Қудратимиз – бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Мақсад бир, ғоя бир, Ватан ягона», «Ватан ягонадир – Ватан биттадир» ғояларининг асл моҳиятини чуқур англаб етган ҳолда шу муқаддас Ватанинг буюк келажагини қуриш ва унинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида фидойилик билан сидқидилдан қилаётган меҳнат фаолиятларида, турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларида ёрқин намоён бўлмоқда.[9:41]

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, ислом таълимоти, диний бағрикенглик мазмунини талаба ёшлар орасида чуқур тараннум этиш, ижтимоий фанларни ўқитиш орқали унинг имкониятларидан олий таълим жараёнида кенг фойдаланиш, миллий тарбия, рақобатбардош кадрлар

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

тайёрлаш жараёнининг муҳим омилларидан биридир. Иккинчидан, жамиятнинг янги ривожланиш босқичида вужудга келган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда тасаввуфнинг фалсафий мазмунини янги педагогик технологиялардан, жумладан, талабаларни ўқитишда фойдаланилаётган техник воситаларнинг сўнгги авлоди имкониятларидан, ҳужжатли фильмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бугун республика ҳудудида яшовчи 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари учун Ўзбекистон Конституцияси миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатимизда тинчликни янада мустаҳкамлаш, миллатлараро барқарорликни юксалтириш мақсадида 2017 йил 19 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ Байналмилал маданият маркази негизида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда фаолият юритаётган миллий маданий марказлар ҳамда дўстлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият юритишида давлат идораларива жамоат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтиришда мустаҳкам таянч бўлади.

REFERENCES: Фойдаланилган адабиётлар

1. Ganiyev, B. S. (2019). INNOVATIVE (ENTREPRENEURIAL) ACTIVITY OF WOMEN AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF OUR SOCIETY. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(11), 122-129.

2. Sayitkhonov A. THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE ACTIVITIES OF YOUTH TO ENTREPRENEURSHIP //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 1. – С. 38-41.

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

3. Mukhamadqodirovich R. A. The role of mass media in the history of the period of independence //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 4. – С. 356-359.

4. Yuldashev S. U. TECHNOLOGY OF SOCIAL AND CULTURAL PROJECTION IN SCIENTIFIC MANAGEMENT OF SOCIETY //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 11. – С. 621-623.

5. Boltaboyev M. HISTORY OF RELIGIOUS CONFESSIONAL POLITICS IN THE SOVIET PERIOD //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – С. 668-671.

6. Asadullaeva N. Pedagogical Factors Of Formation Of Active Life Position Among Young Generation //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 01. – С. 576-584.

7. Evatov, S. (2019). ABOUT THE SYNTHESIS OF IBN SINA'S PHILOSOPHICAL TEACHINGS WITH MYSTICISM AND ARISTOTELISM. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(7), 174-179. Pulatova N. Ethnoecological Culture Of The Uzbek People Today And Pedagogical Aspects Of Its Formation In Students //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. – Т. 2. – №. 11. – С. 485-490.

8. Usmanov, N., Ganiev, B. S., & Karimova, G. Y. (2021). The Philosophical Basis For The Formation Of Spiritual Maturity Among Young People. Oriental Journal of Social Sciences, 33-37.

9. Ташланова, Н. Д. (2019). Развитие критического мышления студентов в вузах. Проблемы современной науки и образования, (11-2 (144)).

10. Azamjonovich, I. I. (2021). The death penalty for a crime and its philosophical and legal aspects. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 11(1), 1376-1381.

11. Raximov, D. S. (2021). DIVERSIFIKATSIYA HUDUDLAR SANOATNI MUVOZANATLI STRATEGIK RIVOJLANTIRISH YO'NALISHLARI.